



Биз халқ истеъмолилари ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини пухта билиб олишимиз позим.

Халқ истеъмоли моллари — энг аввало ички истеъмол бозорини тўлдирish демакдир.

Халқ истеъмоли моллари усиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартирish демакдир.

Халқ истеъмоли моллари — пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш демакдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш — пировард натижада қушимча иш жойлари демакдир. Бу ишга аёллар меҳнатини ҳам жалб этишни ҳисобга оладиган бўлсак, у алоҳида аҳамият касб этади.

Охири-оқиратда буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демакдир. Бунинг ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам ҚАРИМОВнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан).



ТОШКЕНТ — ТАДБИРКОРИ

«Йўлдош Оқунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикаси» акциядорлик жамияти «Ўзбекистон» давлат ассоциациясининг пешқадам корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ортиб бормоқда, олинаётган мўймай даромад фақат ишчи-хизматчилар моддий фаровонлигини оширишгагина эмас, балки корхона қувватини кучайтириш, янги техника ва технологияларни жорий этишга сарфланмоқда. Ҳолбуки, бундан уч ярим йил аввал фабрика иқтисодий таълим ҳолатида эди.

Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Рустам ХҲҲАЕВ билан сўхбатимиз ўша кунларни ёдга олишдан бошланди.

— 1992 йил декабрь ойида корхонага раҳбар этиб тайинланган пайтимида ростки бу ердаги аҳолини кўриб, ёқа ушлашга тўғри келганди, — деди у. — Ходимларнинг оддий интизом қондаларига риоя этишлари у ёқда турсин, корхонага хоҳлаган одам ҳеч бир назоратсиз бемалол кириб-чиқариши, кўзига учраган нарсага олиб кетавериши мумкин экан.

1992 йил якунига кўра давлат солиқ қўмитаси томонидан фабрикага 29 миллион сўмлик жарима солинган эди. Умуман корхона бўйи баравар қарзга ботган эди.

Жамоа билан жиддий гаплашиб олишга тўғри келди. Мен агар йилнинг бир чораги давомида корхонада ижобий силжишлар рўй бермаса, раҳбарлик лавозимидан ўз хошимиз бўйича кетишга ваъда бердим. Қадрларни тубдан қайта кўриб чиқдим. Улардан, айниқса ўрта бўғин раҳбарларидан талаб қилиб олишга тўғрисида ҳамма оғоҳлантириб қўйдим.

Корхона ҳамма шехларда, ёрдамчи бўлинмаларида меҳнат ва ижрочилик интизомини кучайтиришди, иш ҳақи ва айниқса муқофот пуллари пировард натижага узвий боғлиқ қилиб қўйилди.

Охириги айтиш керак, бозор иқтисодиёти муносабатлари учун бу оддий тартиб-қоидалар ҳаммага ҳам маъқул тушавормасди. Бировларни ўз хоҳишларига биноан, бошқаларни буйруқ билан ишдан бўшатилганга тўғри келди.

Бошқарув ходимларининг ишчиларга муносабатини ҳам тубдан ўзгартирдик. «Ишчилар томонидан кўтарилган масала биринчи навбатда баҳарлини шарт» қоидасини жорий қилдик. Ҳар ойда ишчилар ва бошқарув ходимларининг биргаликдаги йиғилишлари ўтказилаётган бўлди.

Кўрилган қатъий чоралар аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Биз тармоғимизда биринчи бўлиб корхона жамоаси билан ўз маҳсулотларимизни сотиш юзасида шартнома туздик. Натижада «Бир ўй билан икки қўён отилди» — аввал «Бировларда чанг босиб ётадиган моллар сотила бошланди, янни вақтда истеъмол бозорини ўрганишга киришдик.

1995 йил октябрга келиб, бизнинг молиявий таълимдан чиқиб дастуридан амалга оширилмишда халқ қилувчи палла келди. Режаланган ҳамма ишларимизни рўйбга чиқариш учун корхонага 1 миллион сўм маблағ етмасди. Шунда «Ўзбекистон» давлат ассоциациясини бизни қўллаб юборди. Корхонамиз томонидан пухта ҳисоб-китоб қилинган ишлар учун қисқа муддатли кредит ажратилди.

Бу йил бошидан эса бизда ўз айланма маблағларимиз пайдо бўлди. Ҳўжалик раҳбарлари ҳозирги даврда бунинг нақадар аҳамиятли эканлигини яхши билишадди. Айланма маблағлар корхона истикболини таъминловчи ўзига хос мустақам пойдевордир.

Бу йил бизда бирор муаммо йўқ, дедимки эмасман. Кийинчиликлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Лекин улардан чўнмасдан, дадил олға боравериш керак.

Бошқарув ходимлари ва ишчиларнинг биргаликдаги йиғилишлари эса ҳозир ҳам ўтказиб турилади. Бу бизга Президентимиз фармонлари, ҳуқуқат қарорларини жамоага тушунтиришда ҳам қўл келмоқда.

— **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 25 июлда сўзлаган нутқидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилди. Халқ истеъмоли моллари ички бозорини тўлдирish, усиб бораётган талабларни қондириш, эмиссияни кескин қисқартирish, пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш ва ниҳоят қушимча иш жойлари тайёрлаш, деб кўрсатилди.**

— Ҳа, юртбошимиз тармоғимиз равангига доимий эътибор бериб келмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил апрел бошидаги енгил санаотни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори бу гамакўрлик инфодаси бўлди. Соҳамизга бундай эътибордан барча енгил санаотчиларнинг кўнча-кўч, ғайратига-ғайрат қўшилмоқда. Яширмай қўя қолайлик, иқтисодиётни эркинлаштиришга киришилгандан сўнг ички бозоримизда хоржонинг моллари жуда кўпайиб кетди. Улар ҳамма ҳам чидамаллиги билан ажралиб турмасда, бизнинг алимсиздан қолган технология асосида тайёрлаётган молларимиз «Ўтмас матоҳ»га айлана бошлади.

Бозор иқтисодиёти ишбилармонлиқни ёқтиради. Бу усулда аввалгидек, режани бажариш билан «дуپлени осмонга ота олмайсан». Тайёрланган маҳсулотларни харидориги бўлиши шарт. Бу эса муттасил эъланишни, янгиликларни теъдд ишлаб чиқаришга жолмонга дастлабки ишни йўлга қўйиб олиш учун 30 миллион сўм пул ажратилди. «Тадбиркорлар» бу катта маблағни хурсандчилик билан санаб олишди. Келишилган ақдлашга кўра бу пуллар бир йиллик муддат билан қайтарилган бўлди.

Аммо яқинда ўтказилган текширув тадбиркорлар давлатдан олган пулларни белгиланган мақсадлар учун сарф этаётганликлари кўрсатди. Масалан, биргина «Фан Регион» кичик корхонаси бу пулдан 5 миллион сўм улуш олганди. Бу сўмга асосан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга дастаҳлар сотиб олишга мўлжалланганди. Бирок маблағ

Яна бир «Реал» деб номланган масъулияти чекланган жамият давлатдан бир йилда қайтариб бериш шарт билан 1 миллион касаройлик 8 ишбилармондан фақат биттаси «Даман» масъулияти чекланган жамиятнинг олган қарзини белгиланган мақсад йўлида ишлатди холос.

Қиссадан хисса шуки, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш хамма давлатимиз диктат-этиборида бўлиб келаяпти. Лекин баъзи ишбилармонларнинг қушқондан чиқиб кетишлари бизи орқича ўзбўрачликларидан ишонинг белгиси телмоқда. Шундай қилиб, улар уларини ҳам, бошқаларни ҳам оро йўлда қолдиришмоқда. Бундай ўзбўраччиликка эса асло урин йўқ.

Эргаш ОТАЕВ, Яқсаров тўмани ҳожимнинг ўринбосари — туман назорат инспекцияси бошлиғи.

Ажаб савдолар

СОВУРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

700 миң сўм қарз кўтарди. Бу пуллар мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўлга қўйиш учун сарфлангани позим эди. Абуқисиб бундай бўлмади. Тадбиркорлар бу маблағни ўзбўшимчилик билан бошқа хом ашё сотиб олишга ишлатди. Шундан сўнг қорларнинг иши чора қўриш учун ҳужук-тартибот органларига юборилди.

Биз юқорида қайд қилган яқсаройлик 8 ишбилармондан фақат биттаси «Даман» масъулияти чекланган жамиятнинг олган қарзини белгиланган мақсад йўлида ишлатди холос.

Қиссадан хисса шуки, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш хамма давлатимиз диктат-этиборида бўлиб келаяпти. Лекин баъзи ишбилармонларнинг қушқондан чиқиб кетишлари бизи орқича ўзбўрачликларидан ишонинг белгиси телмоқда. Шундай қилиб, улар уларини ҳам, бошқаларни ҳам оро йўлда қолдиришмоқда. Бундай ўзбўраччиликка эса асло урин йўқ.

Эргаш ОТАЕВ, Яқсаров тўмани ҳожимнинг ўринбосари — туман назорат инспекцияси бошлиғи.

рикамизда кичикроқ бўлсада олма боғи бор. Бу ерга экилган 80 тул омадан 12 йил давомида бирор ходимимиз татиб қурганини эслай олишмас экан. Утган йил Мустақиллик байрами муносабати билан ёзилган дастурхонда тўқувчиларимиз шу боғчамиз олмаларини кўриб чинакамга ажабланишди. Ҳозир бирор ишчи-хизматчимизга корхона мулкига кўз олайтириш, ишни сифатсиз бажариш ўз бойлигини совуриш билан баробар, деб тушунтиришга ҳоҳат қолмади.

Фабрика, унинг мулки — ўзимизники. Лекин энг катта бойлигимиз — меҳнат жамоамиз, уларнинг ақиллиги, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиғидир.

Шу ўринда яна бир нарсга эътиборни қаратмоқчиман. Биз бир давлат фуқароларимиз, ҳаётиимиз, турмушимиз ўзаро бир-биримизга чамбарчас боғлиб кетган. Агар биз кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, яхши даромад қилмасак, бюджетга солиқ мўлжалдагидан кам тушадим. Демак бюджет ташкилотлари — фарзандларимиз ўқийдиган мактаблар, ўзимиз даволанадиган касалхоналарга маблағ етишмай қолади. Бунинг акциядорларимиз яхши биладилар.

— **Биз энг кутлуг байрагимиз — Мустақиллик кунининг беш йиллиги арафасида турибмиз...**

— Ақциядорлик жамиятимиз аъзолари уни ёрғуз билан кутиб оляптилар. Корхонамизда шу йилнинг этти ойида товар маҳсулотлари ўсиш ҳажми 201,7 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 200,9 фоизни ташкил этди. Ҳозир ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 3445 сўмни ташкил этмоқда. Бу рақамларга изоҳ талаб этилмас керак. Фабрикамизда ишлаб чиқариш нафақат барқарорлашди, балки жадал ўсиш йўлига тушиб қолди.

Бунда гап биргина микдорий кўрсаткичлар тўғрисида кетмаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу йил июнь ойида алоҳида модала буюмлар тикши чехини очдик. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бу эки корхонамизда бўлган французлар ҳам тан олди. Ўлар ҳатто маҳсулотларимизни Парижда сотиш мумкинлигини айтишди. Эътиборли томони шундаки, чех аҳолидан олинадиган яққа буюртмалар бўйича ҳам тикувчилик буюмлари тайёрлайди. Лекин биздаги нарх маиший хизмат корхоналариникидан анча паст.

— **Истикбол режалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлисида сўзлаган нутқидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш юзасидан олдимизга қўйган вазифалари биз учун фаолият дастуруламалидир. Ҳозирги вақтда биз маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириб қолмасдан унинг турларини кўпайтириш, сифатини тубдан яхшилаш, жаҳон бозорига чиқиш учун тегишли чораларни қўймоқчимиз. Мирзо Улўғбек номидаги Тошкент давлат университети олимлари билан ўтказган социологик тадқиқот ҳам биринчи навбатда ишлаб чиқаришни тақомиллаштиришга хизмат қилади. Бу тадқиқот натижаларига кўра биз қайси йўналишлар бўйича тўғри йўлдан кетаётганлигимизни ҳам, заиф нуқталаримизни ҳам билиб олдик.

— **Ишни илмий асосга қўйиш раҳбарлик услубингизга хосга ўхшайди. Шунинг учун ҳам олний маълумотга эга бўла туриб ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бу йил Тошкент Давлат иқтисодий университетини тугаллаб, маркетинг ва таъқиқ иқтисодий фаолият иқтисодига эга бўлибсиз.**

— Ҳа, бозор иқтисодиёти шартинда ишлар эканмиз, унинг қонун-қоидаларини билиш керак. Бу қўшимча маълумотни талаб қилди.

Иқтисодий қонун-қоидаларини яхши билиш корхонага ўз ҳақ-қўқуқини қаттиқ туриб химоя қилиш имконини туғдиришмоқда. Масалан, биз шу йил бошидан бери судда бешта баҳсли масалани ўз фойдамизга кўра бизда дивидендлар йўлда бир туланади берилди.

Тўғри, ақцияларнинг бошланғич босқичида жамоа аъзоларига улар энди корхона мулкнинг тўлиқ хўжайинлари эканлигини, у ердан олиб келиб кетадиган итга, тўғмалари худди ўз хонадонларини ўзлари «тунашлари» билан баробар эканлигини тушунтириш осон бўлмади. Аммо кийинчилик билан бўлсада, ақциядорларимизда мулкка хўжайинлик ҳисси шаклланиб бормоқда.

Шу ўринда бевосита ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган бир ибратли мисол келтирмоқчиман. Фабрикада 40 ишчиларнинг бундан бири, фабрикада 40 йилдан бери тикувчи бўлиб меҳнат қилаётган Райля Усмонова Сиз тўғрисида «Эш бўлса ҳам бош экан. Мен фабрикада кўп директорларни кўрганман, лекин Рустам Фахмутдиновчи ҳақийқ ишчи раҳбар бўлгани учун бўлса керак. У оғир куларимизда ҳам, яхши куларимизда ҳам биз билан ёнма-ён бўлди» деди.

— Албатта, ишчилар билан бир меҳнат «қозони»да қайнаган раҳбар уларнинг туриш-турмушини яхшироқ билади. Аслини олганда раҳбарнинг асосий вазифаси ишчига яш топиб бериш, маошини вақтида тўлаш, унинг яхши ишлаши ва яшаш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат.

Сўхбатдош
Дониёр ЭРКИНОВ

Истеъмол буюмлари манзурми? КЎЗИНГИЗ ҚЎВНАЙДИ



Шажримиз дўқонларидаги пештаклардан сотиб маҳсулотларини чини термалари қаторига ялтир металлдан ишланган ҳўжалик моллари ҳам ўрин ола бошлади.

Бу маҳсулотларнинг рўзгорда қўллаб-қўллангани ижтимоий боғлиқдан хабардор бўлган ўй бекларини уни севиб харид қилишмоқда. Бундай маҳсулотлар Мирзо Улўғбек туманидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон Швейцария давлатлари ҳамкорлигидаги «Ист-Баттерфляй» қўшма корхонасида тайёрланади. Тайёр маҳсулотлар савдо юзаси кўргандан кейин унинг харидорлари ҳам бугунги кунда тебора кўпаймоқда. Ҳатто Ҳамдўстлик давлатларидаги ишчиликчилар корхонага буюртма бериб, шартнома асосида харид қилиб олишяпти. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қошидаги «Ўзбекистон» ресторани учун бир қанча турдаги мана шундай рўзгор буюмлари харид қилиб олинди.

— Биз тайёрлаётган халқ истеъмоли буюмлари жаҳон андозалари талабида бўлиб, улар инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир этади, — дейди бош муҳандис Анавар Улаев. — Шунинг учун ҳозирги кунда арзонроқ хом ашё топиб, кўпроқ, сифатлироқ

ва арзон тайёр маҳсулот чиқариш йўлиларини қидираймиз. Шу билан бирга маҳсулот турларини яна унчага кўпайтириш. Бунда авваллари фақат қастролька, това ишлаб чиқарган бўлсак, эндиликда патнислар, лаганлар, чойнақлар ҳам ана шундай ялтирок металлдан терма усулда тайёрланапти.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг маъмур тоқари Павел Сайкин устоли, бош муҳандис Анавар Улаев билан ички маҳсулот устоли ишланмоқда. Рустам Шариев оқин суратлар.

«МАЛҲАМ» ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙ

Давр таъвосяига кўра ишлаб чиқариш ва савдо-сотикда хусусийлаштириш кенг йўлга қўйилиши билан бир қаторда дори-дармонлар етказиб бериш ёки ишлаб чиқаришда ҳам бу усул асосида иш қоритилмоқда.

Мирзо Улўғбек туманидаги 39-дорихона мудири Музаффар Азимнинг таъйират, шижоати унга сира тинчлик бермасди. Худди шу кезларда Ўзбекистон Республикаси Сўғлиқни сақлаш ва зариллигининг дорихоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Узоқ ўйлаб ўтирмай барча шартларни ўрганиб чиқди-да, ўзи ишлаётган дорихонани хусусийлаштириб унга «Малхам» деб ном берди. Музаффар ақининг ташаббусига ҳаммасилари Ёқутхон Солипова, Шойста Носирова, Рихсон Қоимбековлар ҳамроҳ бўлишди. «Малхам» «Дори-дармон» хиссасдорлик жамиятидан ажралиб, мустақил фаолият кўрсата бошлади.

Аввалгига бир маромада ишлаб чиқариш кўйилди. Лекин хозирда ҳаммаси орқалда қолди, — дейди Музаффар ақини. — Чўнқ таъминот масаласини яхши йўлга қўйганимиздан кейин, туманимиз фуқаролари жамоамиздаги дори-дармонлар бошқалар билан бир қаторда ўзларининг билиши билан, харид учун дорихонамизга кела бошлашди. Шундай қилиб ишимиз юришиб кетди.

Ҳозирги кунда «Ўзимёсанот» корхонасида ва бошқа фирмалардан дори-дармонлар олиш билан бир қаторда ўзимиз дорини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш арафасида турибмиз. Бошқа жойдан олинган дориларга устамга ҳақи 45 фоизгача қўйилиши керак. Биз уларга 20 фоиз ҳажмида қўямиз. Агар шундай қилмасак сотилиши қарғ бўлган дориларнинг баҳоси қимматлашиб кетади. Бизнинг мақсадимиз одамларнинг пулини йиғиб олиш эмас, ақинча уларга оқ бўлсада ўз мададимизни малҳамларимиз орқали етказишимиз.

Яқин кўнларда дорихонанинг эътидан дори тайёрлашнинг ўзингдан мижозлар гомт мамнун бўлишяпти. Мана, улардан бирининг сўзи тиланган:

— «Малхам» дорихонасининг аввалгига нисбатан ҳозирги фаолияти ана фаоллашган, — дейди харидор Мўхаммадсодиқ Холмирзаев. — Биласизми, «Буюк илқ йўли» кўчасида ўнда энгид дорихона бор. Ана шулар ичидан энг арзон дорилар шу жамоада топилади. Бирор дорини ахтариб кирдингизми, хизматчилик дардингизга шериқ бўлиб, теъдда ёрдам кўрсатишга ошқинашди.

Одамлар қалбига, дардига малҳам бўлаётган «Малхам» хусусий дорихона хизматчиларининг сўй-ҳаракатлари эва қимматли. «Тракторсоз» даҳасидорлар узоғи екин бўлиб, зарур дорини бошқа жойлардан ахтариб юриш машаққатдан қутулишди.

Хусан БАРОТОВ,
Гули АБДУЛЛАЕВА

Иқтисодий билимлар сиртки мактаби

БОЖХОНА, РАҚОБАТ, ТАННАРХ

Иқтисодий билимлар сиртки мактабининг бу галги дарсида Тошкент тўқимачилик ва енгил санаот институтини «Пахта тозалаш ва тўқимачилик санаотини маркетинг ва аудит» кафедраси мутахассисларининг «Божхона», «Рақобат», «Таннарх» ҳақидаги маълумотларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

● **БОЖХОНА** — чегара орқали ўтадиган бона юқларни, почта жўнатмаларини назорат қилганидан давлат маъсасасидир. Бу ерда ўтказилаётган юқларни текшириш ва улардан божхона йиғимлари ундирish билан шугулланади. Божхоналар одатда денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади.

Божхона ташқи савдода мамлакат манфаати таъминлашнинг назорат қилгани ва божхона қондалари бузилишига ҳамда контрабандага қарши кураш олиб боради.

● **РАҚОБАТ** — мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шартинда ишлаб чиқариш ва яқин фойда келтирадиган нархда катта ҳажмида сотиш, умуман бозор иқтисодиётида ўз макенини мустақаллаш учун курашдир.

Монополия рақобатга эид, чўнқи у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳўқуқронлиқ таъминлади, ўзаро бөллашув учун шарт қолдирайди. Рақобатнинг асосий соҳаси, ўрин бозордир. Рақобат фақат сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради.

● **ТАННАРХ** — корхонанинг маҳсулотини ишлаб чиқариш харajatларининг пулда ифодаланishi, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг муҳим сифат кўрсаткичидир.

Таннарх асосида ишлаб чиқариш харajatлари етади. У нархлар шаклланишининг муҳим қисми бўлиб, маҳсулот унтуржи баҳоси таркибига киряди.

Маҳсулот таннархининг пастайтиришга меҳнат самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харajatларини камайтириш йўли билан эришиш мумкин.

Гўлади МАМБЕТОВА.



Туманлар йўқламаси:


Шайхонтоҳур

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошкент қадим замонлардақ девор билан ўраб олинган ва 12 та дарвозасига эга бўлган. Натижада шаҳарнинг 12 тарафидан қаров қилиб келиши мумкин бўлган. Бу дарвозалар Кўча, Сағбон, Чигатой, Тахтаул, Қорасарой, Камолон сингари номлар билан аталган. Ана шу дарвозаларнинг ҳаммаси олис мамлакатларга ва шаҳар ташқарисиди дала мавзелирига олиб бориладиган катта йўллар устига қурилган.

Самарқанд дарвозаси ҳам — Самарқанд шаҳри томон чиқадиган қаров йўлининг бошида қурилган учун шу ном билан аталган ва унинг дарвозаси ҳозирги чойхона ёнида бўлган. Йиллар ўтиши мобайнида кўпгина обидаларимиз қатори дарвозалар ҳам бўлиб, йўқ бўлиб кетган. Лекин шуниси қувончлики, Самарқанд дарвозадан ном-нишон қолмаган бўлса-да, шу ном билан аталиб келинган маҳалла ҳали ҳам бор. Мустақиллигимиз шарофати билан ва маҳалла ота-оналарининг ташаббуси билан Самарқанд дарвоза маҳалласининг марказида республикамизда ягона, шахримизнинг тимсолларидан бири бўлган шаҳар дарвозаси қад ростлади. Бу дарво-

ШАҲРИМИЗНИНГ БИРИНЧИ ДАРВОЗАСИ



зани тиклаш ишлариға маҳалла оқсоқоли Абдуқалил хожи ота Набиев бош-қол бўлди. Дарвозанинг лойиҳаси Тошкент шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. «Олимп»

қўшма корхонасининг ёрдами жуда катта бўлди. Улар 80 тонна металл конструкция, қурилиш материаллари етказиб бердилар. Бу хайри ишда маҳалла аҳли ҳам қараб тургани йўқ. Тolib Ҳакимов, Рамазон Мусоев ва бошқа-

лар маблаглари ва меҳнат кучлари билан доимо маддадор бўлиб турдилар. Бозорбўйи Рўзиматов бошчилигидаги устлар меҳнатини ҳам тасқидлаб ўтиш керак.

Шаҳримиздаги биринчи қурилган бу дарвозанинг баландлиги 21 метр, эни 27 метр, транспорт ҳаракат қиладиган қисми 12 метр бўлиб, икки ёнида йўловчилар учун 4 метрли йўлаклар ҳам бор. Олпоқ йўллардан шаҳарга нэфосатни ўзига муҳассам қилган бу дарвоза шайхонтоҳурликлар фахри бўлиб қолади.

— Истиклолимиз меваси бўлган Самарқанд дарвозасининг тиклашни кўп эгу ушларга дебона бўлмоқда, — дейди Самарқанд дарвоза маҳалласининг оқсоқоли Абдуқалил хожи ота Набиев. — Яқин кунларда маҳалла гузари қурилиши ишлари бошланади. Бунинг учун ер ажратилди. Чунки ўтмишда қадимий дарвоза ёнида жуда обод гузар бўлган бўлиб, унда ҳусусий баққолик, қасоблик дўконлари, новвойхона, сартарошхона, қосибхона, хашаматли қурилган масжид бўлган. Гузар йўлининг кезлариде жуда қонланган. Баъза кўча кўчалари гузар ўртасига дор қурилиб, унинг ҳам қўрсатилган. СУРАТЛА: дарвозанинг қўрилиши.

Табиатнинг қизиқ табиати СУВНИ ТОЗАЛОВЧИ ЖОНИВОРЛАР

Маълумки, Ер қуррасининг учдан икки қисми сувдан иборат бўлгани ҳолда дунёда энг тараққий қилган мамлакат ҳам баъзан сувсизликдан қўйналади. Агар уммон ва денгизлар сувини осонликча чўчқ сувга айлантириш йўли топиладган эди, сув танқислиги барҳам толар, ер юзини бог-роғларга бурқаш имконияти туғиларди.

Ҳозирча шўр сувларни чўчқлаштириш кўпин муаммолардан бири бўлиб турибди. Гап шундаки, бундай йўл топиладган бўлса-да, у жуда ҳам қimmatга тушмоқда. Холбуки, баъзи бир жониворлар таналаридаги махсус безлар ёрдамида шўр сувни бемалол чўчқ сувга айлантириб ичаверадилар.

Бунда маъзур жониворлар сувни чўчқлаштиришининг бир неча усулларидан фойдаланилади. Биринчи усулда тузалар туғридан-туғри танадан чиқариб ташланади. Қуш ва судралиб юрувчиларнинг туз безлари худди шундай усулда ишлайди. Сув қушлариде бундай безлар кўз олмасининг тепасида, тошбакаларда эса кўз олмасида жойлашган бўлади, шўр сувни ичгандан сўнг тошбакалар тузли кўз ёши чиқариб йиллайдилар, сувилонларда бундай безлардан чиққан шўр сув оғиз бўшлиғига тушади.

Сув ҳайвонларининг барчасида туз безлари ҳар доим ишламайди, фақатгина танада туз йиғилиб қолган пайтдагина ҳаракатга келади, бундай безларнинг ишлаш самардорлиги ниҳоятда юқори. Одам буйраги бир соат давомида 1 литр суолик чиқарадиган бўлса, балчиқ қушининг туз безлари бундан 20 баробар зиёроқ сув чиқаради. Лекин сувда яшайдиган ҳайвонларнинг бундай безлари фақатгина бир

хил туз моддаларини ажратишга ихтисослашган бўлса, одам буйраги эса турли-туман моддаларни ажратиб чиқаришга мослашган. Сайёраимизда 1,5 миллиард куб километрга яқин сув бўлса, шундан 3 фоизини чўчқ сув ташкил қилади, унинг ҳам кўп қисми табиий мулклар қўринишида ёки ер ости захиралирида ётади. Шунинг учун ҳам амалиётда сувни чўчқитиш технологияси қўлланилади. Сунъий равишда олинган бундай чўчқ сувлар катта пароходлар, бутун бошли шаҳарларни чўчқ сув билан таъминлайди. Масалан Каспий денгизи бўйидаги Швененко шаҳри, Форс бўғозидаги Элб-Кувейт шаҳри шулар жумласига кириди. Шунинг айтиш кераки, сувни чўчқлаштириш анча қimmatга тушади, унинг сифати эса табиий сувдан анча фарқ қилади. Яъни сунъий олинган чўчқ сув таркибиде тана учун керакли бўлган туз эритмалари бўлмайди. Балиқчи қушлар, пингвинлар, денгиз тошбакалари, денгиз илонлари ва баъзи бир хил қалталарнинг ишлаш самардорлиги ниҳоятда юқори. Одам буйраги бир соат давомида 1 литр суолик чиқарадиган бўлса, балчиқ қушининг туз безлари бундан 20 баробар зиёроқ сув чиқаради. Лекин сувда яшайдиган ҳайвонларнинг бундай безлари фақатгина бир

Яхё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

The American Embassy is seeking candidates to fill the vacant position of Security Investigator. The incumbent will be assisting the Embassy Security Officer in various security duties including verification of personal documents and information provided by the local citizens who apply for employment with the Embassy. Required qualifications: prior investigative experience with military, police or private security organizations, fluency in spoken and written English, Russian and Uzbek, familiarity with local civil laws and computer literacy. Applications (the forms are available in the Embassy) should be submitted in envelopes within 20 days from the date of the ad. Address: 82 Chilanzarskaya St. Tashkent.

Маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона яшаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат жой бўлиб келган. У кишиларни иймон-этиқодли, меҳру шафқатли, садоқатли тарзда тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. Маҳаллалар аҳоли тинч-осойишта яшайдиган, оилалар мустаҳкам бўладиган жойдир. Маҳалла фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш органи ташкил топгандан сўнг улар ҳуқуқий макомга ҳам эга бўлдилар. Улар ўз худудларида ўз-ўзини бошқарув органи асосида аҳоли тинч-тотувлиги, ободончилик йўлида самарали иш олиб бормоқдалар. Тумандаги

куёвлар учун маросимлар зали, тўй ўтказишга мўлжалланган хашаматли зал, ёшлар учун хунар ўрганиш хоналари, машиий хизмат турмоқларига бўлган бундай қошона нафақат туманда, балки Республикаимиз маҳаллалари орасида яғонадир.

Республика Президентининг Фармони билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ҳуқуқи фақатгина маҳаллаларга берилган. Туман бўйича кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар сони 28.774 та бўлиб, уларга йил давомида 25869 минг сўм миқдориде ёрдам кўрсатилган. Туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси бу ишлардан ташқари Баҳор, Жангоҳ, Ибн Сино маҳаллаларидаги ҳеч қимий йўқ, ёлғиз қариюрларнинг маросимларини ўтказишда, 30 дан ортиқ хондонга қурилиш-тиклаш ишларини бошлашлари, соғлигини йўқотган ночор шахсларнинг даволанишлари учун доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келади. Жамғарма иш фаолиятининг яхшиланishiда, уни қўллаб-қуватлашда намунали маҳаллалар ҳамкор бўлаётир. Масалан, Олим Ортиқов, Абдуфаттоҳ Назаров, Олим Нурматов, Саидрасул Нуритдинов, Жамолддин Мирзаев, Акбар Аскарлов бошчилик қилаётган Наврўз, Шоислом Шюсупов, Хувайдо, Сузук ота, Баҳор, Сархумдон ва бошқа маҳаллалар номини келтириб ўтиш мумкин.


Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идораларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан туманининг барча маҳаллаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

— Сайловлар натижасида етти раиснинг фаолияти қоникарсиз деб топилди, улар ўз вазифасидан овозд этилди, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлимининг мудир Раҳмон Бобоев. — Қолган маҳаллаларда раислар ўз ўрнида қолиб, келажакда бажариладиган ишларни янғича тарзда, замон талабига мос равишда қайта белгилаб олди. Деярли барча маҳаллаларда оқсоқол-маслаҳатчилари таркиби қўриб чиқилиб, улар қаторига маҳаллаларда обрў-эътиборга эга, қўлидан иш келадиган фуқаролардан 615 киши сайланишди. Маслаҳатчилар орасида хотин-қизларнинг кўпроқ бўлишига эришиш ҳам асосий эътиборда бўлди.

Мустақиллик байрами арафасида Қоратош маҳалласи аҳолиси барча қулайликлар яратилган, замонавий маҳалла гузарига эга бўлдилар.

СУРАТЛА: Қоратош маҳалласи гузариде сўнги қурилиш ишлари олиб бориламоқда.

Ватан ичра Ватан ХАЙРИЙ ЮМУШЛАР



жами 51 та маҳаллада маҳалла фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш органи ташкил топган. Маҳаллалар ўз низоми ва дастурига эга.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги маҳаллаларнинг молиявий базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бермоқда. Бугунги кунда маҳаллаларнинг деярли барчаси ўз идора ва чойхоналарига эга. 20 дан ортиқ маҳаллаларда замонавий гузарлар — миллий-маданий марказлар бунёд этилди. Буларга Наврўз, Олмасор, Белтепа, Тутзор, Туркқўрғон ва бошқа маҳаллаларда қўриб битказилган гузарларни кўрсатиш мумкин. Шу кунларда бу ерларда маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, турли мазмунидаги суҳбатлар ва мулоқотлар ўтказилляпти. Биргина Наврўз маҳалласида бунёд этилган «Исомобод» маданият маркази ҳар қанча мақтаса арзиғулик. Икки қаватли, миллий нақшлар ва ганчлар билан безатилган ушбу масканда маҳалла қўмитаси идорасидан тортиб, отахонлар чойхонаси, келин-



Шайхонтоҳур туманидаги фаолият кўрсатиб турган кичик корхоналар орасида халқнинг тахсисине лойиқ бўлаётгани «Туз» нон корхонасидир. Бу ерда иссиққина мазада нонларни сотиб олиш билан бир қаторда, керакли бошқа машиий хизматлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки кичик корхонанинг дўхони ёнидан сартарошлик хизмати, салқин ичимликлар савдоси ҳам ўрин олган. Фойдаланишга, топишириганига ҳали кўп вақт бўлмай бунёд ишлари яна давом этмоқда. СУРАТЛА: иссиққина, бўрсилдоқ нонларни харидорлар севий ҳарид қилишмоқда.

Эртанги кун равнақини бугунги болажонларимизнинг қай авлодига шаклландиришга белгилайди. Шунинг учун ўш авлодига жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб ўсишлариға катта эътибор қаратиш керак. Бунинг эса бола муражликдаёқ. Ўзини бошқа ёшларгаёқ бошлаш керак. Тумандаги 58 та мактабгача тарбия муассасаларидаги олиб бориладиган ишлар қувонарлидир. Уларнинг бари ўз йўналишлариға эга.

Айтилик, 95, 138, 567-болалар боғчаларида ахлоқий тарбияға катта эътибор берилса, 140, 229, 461, 468, 568-болалар боғчаларида бадиий-эстетик тарбия муҳим ҳисобланади. 185, 343, 456-боғчаларда иқтисоднинг дастлабки сабоқлари бериб берилса, 27, 71, 342, 497-болалар боғчаларида болаларда табиатга меҳр-муҳаббат, атроф муҳитни авайлаб-асраш тўғрисидаги шакллантиришға катта аҳамият берилди. 111, 171, 197, 588-болалар боғчалари махсус жиҳозланган спорт майдончалари ҳамда хоналарига эга. Болалар ўртасида спорт ўйинининг баъзи турлари бўйича турли мусобақалар ўтказилиб турилади. Айниқса, болалар ўртасида футбол ўйинини кенг тарғиб қилиш мақсадида боғчаларо ўтказилган мусобақаларда туман бўйича 461-боғча голиб чиқди. 20 дан зиёд боғчада хоржий тилларни ўргатиш бўйича тўғрақлар ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш босқисиде тумандаги сарик қасаллик билан ораниган болалар учун 412-боғча, тез-тез шамоллайдиган болалар учун эса 321-боғча соғломлаштириш боғчаларига айлантирилди. Кўпгина боғчаларда мактаблар билан ҳамкорликда болаларни жадаллаштириш усулида ўқитиб мактабга

тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, боғчаларға қатнамайдиган болалар учун 568-болалар боғчасида яқинда мактаблари ташкил этилган.

Сўнги йилларда туманда фаолият кўрсатаётган тарбия масканлари орасида таълим-тарбия ишларининг ўзгача талабчанлиги билан амалга ошириладиганлиги сабабли бир қатор ютуқларға эришилмоқда. Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими мудир Равшан Усмоновков қуйидагиларни айтиб берди. — Мустақиллик шарофати билан ислохотнинг дастлабки пайтларида ўқувчилар имкониятини ҳисобға олган ҳолда фанларни чўчқ ўргатиш учун шароитлар яратишға эътибор берилиб, сўнги гимназия синфлари, гимназия ва лицейлар ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб уларни аттеолатсия йўли билан саралаш ишлари ўтказилди. 42, 180-мактабларға гимназия мактеми берилди. 45-

мактаб эса янги ўқув йилидан бошлаб гимназия мақоми остида ўқувчиларни қабул қилади. Маълумки, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтаётганлиги, мулкчиликнинг турли-туман шакллари ривожланиши халқ таълими тизимида ўқитиш мазму-

Соглом авлод учун ИСТИҚБОЛ КУРТАКЛАРИ

тон телерадиокомпанияси ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Компьютер шоу» танловиде Ал-Хоразмий номили 40-мактаб жамоаси бир неча бор қатнашиб голибликни қўлдан бермай келаятир. Шунингдек, «Илҳом чашмалари», «Наврўз юлдузлари» ва бошқа танловларда ҳам болалар қатнашиб фахрли ўринларни эгалладилар. Туманда «Маҳалла-оила-мактаб» ҳамкорлигини юқори даражаға кўтариш йўлида бир қатор амалий ишлар бажарилиди. 162-мактаб ўқувчилари «Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» номили Республика кўрик-танловиде қатнашиб фахрли иккинчи ўринни эгаллашди фикрининг ёркин далилидир.

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида янги мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар ишға туширилкомоқда. Буларға мисол қилиб, 1992 йилда Ибн Сино даҳасиде 1266 ўринға мўлжалланган 299-мактаб, 1995 йилда Белтепа даҳасида фойдаланишға топширилган 316-таъан мактаблар ҳамда янги қурилган 226, 84, 111, 516-болалар боғчаларини айтиб ўтиш мумкин. Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида фойдаланишға тайёрлаб қўйилган Жарарик даҳасидаги 1250 ўринли янги мактаб ажойиб байрам тўғрисидадир.

Шайхонтоҳур туманида бағишланган туркум мақоаларини Доғия Зокирова тайёрлади. Сурастарини Рустам Шарипов тасвирға туширди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Маъзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-08-74, 33-28-95.